

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 4 июль • № 26 (995)

Матбуот анжумани

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, ЮКСАК САМАРАЛАР

тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларда ўз ифодасини топмоқда

Ватан мустақиллигидан кўра азизроқ саодат йўқ. Энг улуг ва буюк неъматлар, шак-шубҳасиз, фаровонлик, тараққиёт, тинчлик ва соғлиқдир. Президентимиз раҳнамолигида биз озод ва обод мамлакатимизнинг буюк келажигини барпо этмоқдамиз. Айни шу кунларда истиқлолимизнинг 23 йиллик тантаналарини муносиб кутиб олишга ҳар бир жабҳада астойдил тайёргарлик кўраёلمиз. Бинобарин, бу байрам ҳар йили бутун халқимизга ва жаҳон аҳлига танлаган йўлимизнинг нақадар тўғрилигини, мустақил тараққиётимизнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини янада теранроқ намойн этади.

Айниқса, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, юртимизда маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни камол топтиришга катта эътибор қаратилиб, тиббиёт соҳасидаги ислохотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга ошириляётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз Президентининг

кунини кеча эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори билан танишар эканмиз, мустақиллик нақадар буюк неъмат эканлигини яна бир бор чуқурроқ англагандек бўлдик.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот

марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази аҳамияти, бугунги кунда ушбу даволаш муассасаларида энг мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказиляётганлиги" мавзусидаги матбуот анжумани Президентимизнинг мазкур Қарорлари ижросига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирини Анвар Алимов иштирок этди ва матбуот анжуманининг моҳияти ҳақида сўз юритди.

– Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш борасида жуда муҳим ва аҳамиятли чора-тадбирлар амалга оширилди, – деди вазир А. Алимов. – Ушбу ислохотлар



натijasида бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатувчи кишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп (Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ЭЛЕКТРОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг вазирлик тизимидаги ижроси тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Маълумки, ахборотлаштиришни ривожлантиришга қаратилган комплекс ва тизимли чора-тадбирларни талаб қилувчи соҳалардан бири – бу соғлиқни сақлаш тизимидир. Мазкур тизимда ахборотлаштириш соҳасига оид қонунчилик нормалари, хусусан, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини тўлиқ таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, вазирлик тизимининг 20 дан ортиқ субъектлари фаолиятини ўрганиш натижалари мониторингидан келиб

чикиб, эшитувда қўмита аъзолари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ҳисобига тиббий хизмат сифати ва ундан фойдаланиш даражаси ошганлиги таъкидланди. Эътироф этилдики, қонун талабларига кўра, вазирлик, унинг таркибий бўлимлари ҳамда тизимдаги тегишли ташкилот ва муассасалар томонидан ахборот соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирини А. Алимовнинг фикрига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги то-

монидан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинган. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Миллий ахборот тизимига интеграциялаш концепцияси" ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Уларга асосан "Электрон соғлиқни сақлаш" ва "Ягона электрон тиббий карта" тизимларини босқичма-босқич шакллантириш амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ҳозирги вақтда вазирликда "Соғлиқни сақлаш миллий интеграциялашган ахборот тизими" яратилган бўлиб, унинг доирасида қуйидаги тизимлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, юқумли

(Давоми 2-бетда).



САЛОҲИЯТЛИ ЁШ МУТАХАССИСЛАР

Бухоро Давлат тиббиёт институтининг даволаш, стоматология, тиббий педагогика ва олий ҳамширалик иши йўналишларини битирган 356 нафар йигит-қизга бакалаврлик дипломи топширилди.

Олий ўқув юртидаги таҳсил давомида ўз ихтисослиги бўйича чуқур билим ва амалий кўникмага эга бўлган бу ёш мутахассислар энди аҳоли саломатлигини асраш йўлида турли тиббиёт муассасаларида меҳнат фаолиятини бошлайди. Битирувчилар орасида ординатура ва магистратура босқичларида ўқишни давом эттириш истагида бўлган ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Тоҳир ИСТАТОВ. (ЎЗА).

Агар сизда саволлар, фикр-мулоҳаза ва таклифлар бўлса, қуйидаги телефон рақами ва электрон манзилимизга мурожаат қилишингиз мумкин:
(8-371) 233-13-22,
info@uzssgzt.uz.

Матбуот анжумани

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, ЮКСАК САМАРАЛАР

тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларда ўз ифодасини топмоқда

тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига – барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ва мукамал ташкилий тузилмаси яратилди. Шунингдек, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий мактаблар негизда 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилиб, улар хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология ҳамда эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, бугунги кунда юртимизда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос тизими яратилган ва бунинг натижасида аҳолига тезкор сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Жумладан, энг юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифоналари ҳамда уларнинг шаҳар ва туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизмати бўлимларида буткул янгича тизим шакллантирилди.

Ушбу марказлашган тизим асосида ҳозир Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 172 та субфилиал фаолият кўрсатаяпти. Бундан ташқари, мам-

(Давоми. Боши 1-бетда).

лакатимизнинг барча ҳудудларида "103" хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати йўлга қўйилган.

– Марказимиз қошида Кардиохирургия мажмуасининг очилиши юрак хирургияси соҳасида янада юқори технологияларни татбиқ қилишга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтиришга, ихтисослаштирилган кадрларни тайёрлаш учун қулай шароитларни яратишга ва ҳудудий марказлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Феруз Назиров. – Биргина ўтган йилнинг ўзида Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг Кардиохирургия мажмуаси ва бошқа шундай шифоналарда юрак қон-томир касалликларига чалинган 4 мингдан зиёд бемор дардига даво топди. Бундай мураккаб амалиётлар вилоятлардаги даволаш муассасаларида амалга оширилаётганлиги тарихий аҳамиятга эгадир. Наманган ва Урганч шаҳарларида эса юрак клапанларини алмаштириш, тугма ва орттирилган юрак касалликларини операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг янги усуллари йўлга қўйилди. Нукус, Қарши, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах шаҳарларида эса юрак ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиб бориш амалиёти кенг ўтказилмоқда.

– Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказининг ташкил этилиши натижасида Ўзбекистоннинг ўзига хос офтальмология мактабига

асос солинди, – дейди маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди Зафар Сидиков. – Бугунги кунга келиб, ёш ўзбек шифокорлари кўздек ноzik аъзо билан боғлиқ энг ноёб ва мураккаб жарроҳлик амали-



ётларини муваффақиятли ўтказиб, ҳаётни тиниқ рангларда кўра олиш бахтидан умидини узган минглаб беморларни дунёни қайта кўришдек буюк бахтга мушарраф этишмоқда. Шунингдек, Урганч, Нукус, Андижон, Самарқанд шаҳарларида лазер нури ва ультратовуш ёрдамида турли кўз касалликларини компьютер технологиялари асосида диагностика қилиш ва даволаш ишлари амалга оширилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, урология, акушерлик ва гинекология, педиатрия, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология, эндокринология каби кўплаб йўналишларда шифокорлар қўлга киритаётган ютуқлар ҳам салмоқли бўлмоқда.

Юқорида қайд этилган 10 та ихтисослаштирилган тиббий

марказ ва уларнинг филиаллари ўз фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, аҳолига юқори ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга, вилоят ва туман даражасида соғлиқни сақлаш муассасаларига ташки-

сони 2,3, беморларнинг марказларга қатновлари 1,5, диагностика ва даволаш муолажалари салмоғи ҳамда умумий оператив муолажалар сони 2, жумладан, юқори технологияли муолажалар салмоғи эса 2,5, марказларнинг умумий даромади 2,8 мартага ошди. Шунингдек, мазкур ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатётган тиббиёт ходимларининг соҳалар бўйича савиясини янада ошириш ҳамда юртимизнинг энг олис ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида соҳалар бўйича долзарб муаммолар, даволаш ва ташхис қўйишнинг замонавий усуллари бағишланган "Маҳорат дарслари" ўтказиб келинмоқда.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, аҳоли саломатлигини мустақамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўламини йилдан-йилга кенгаймоқда. Шу боис ҳам, соҳа ривож учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар торабора ортиб бормоқда. Агар 2012 йил соҳа ривож учун давлат бюджетидан 2,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2013 йил ушбу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди. Жорий йилда эса соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида давлат бюджетидан 4,3 триллион сўм ажратилиши режалаштирилган.

– Марказлар ташкил этилгандан кейин ўтган 5 йил ичида улар фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар юз берди, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика ёрдами-ни ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Анвар Хусанов. – Хусусан, даволаниб чиққан беморлар

Матбуот анжуманида Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари директорлари оммавий ахборот воситалари вакиллари соҳага оид турли саволларига жавоб беришди.

Элмурод ЭГАМКҲЛОВ.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ЭЛЕКТРОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИДА



касалликлар электрон мониторингининг ахборот тизими, қон ва донорликдан четлатилган шахсларнинг маълумотлар банки бўйича ахборот тизими, тез ва шошилиш тиббий ёрдам ахборот тизими, шошилиш тез тиббий ёрдам тизимида мувофиқлаштирувчи диспетчерлик хизматини автоматлаштириш ва жиҳозлаш, соғлиқни сақлаш тизими ресурсларини (ERP) тиббий ускуналар, дори воситалари ва тиббий буюмларни етказиб бериш логистика тизими билан бошқариш ахборот тизими, электрон регистратура тизими билан Ягона тиббий картани бошқариш бўйича ахборот тизими ва бошқалар шулар жумласидандир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўқув муассасалари базасида режага асосан компьютер саводхонлиги ҳамда мазкур вазирлик ихтисослаштирилган ахборот тизимларида ишлаш бўйича малака ошириш курслари иш олиб бормоқда. Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантиришга қаратилган чоралар натижасида республикадаги барча тиббий ходимларнинг 50 фоизи офис дастурий таъминотлари билан ишлаш бўйича етарли малакани олган бўлиб, уларнинг 90 фоизини врач-шифокорлар, 30 фоизини ўрта тиббий ходимлар ташкил этади. Умуман, охириги беш йил мобайнида "Ўзмед-инфо" марказида 2066 нафар тиббий ходим ўқитилиб, махсус

сертификатга эга бўлган.

Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган ахборот соҳасига тегишли бандларда белгиланган вазифалар ҳам фаол амалга оширилмоқда. Хусусан, лейкоз ва талассемияга чалинган болаларнинг республика регистрини ташкил этиш, уларни минтақавий болалар гематология муассасаларида диспансер ҳисобига олишни таъминлаб, Гематология илмий-текшириш институтига ахборот бериш, даволашнинг доимий мониторингини олиб бориш, даволашнинг юқори технологик усуллари самарадорлигини илмий таҳлил қилиш масалаларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, "Саломатлик дарслари" фанидан ўқув дастури (1-4-синф ўқувчилари учун) ва "Соғлом авлод асослари" (5-9-синф ўқувчилари учун) мультимедиа-ли методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва электрон таълим порталларига, энг аввало, Ziyonetga жойлаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 13 та "Ораста қизлар" ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш орқали маҳаллаларда "Ораста қизлар" тўғрақлари иштирокчиларининг ижтимоий фаоллигини янада қўллаб-қув-



ватлаш борасида зарур чоратадбирлар кўрилмоқда.

Эшитувда қайд этилганидек, тиббиёт соҳасини ахборотлаштириш жараёнларида эришилган ижобий натижалар билан бирга, айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Мисол учун, туман тиббиёт бирлашмаларини компьютер техникаси билан таъминлаш даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, тиббиёт соҳаси субъектлари фаолиятига электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимларининг жорий этилмаганлиги, интерактив телетиббий хизматлар кўрсатиш тизимлари ривожланмаганлиги каби ҳолатлар тилга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўмита аъзолари томонидан

ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар, олинган тахлилий материаллар ҳамда халқаро тажрибани умумлаштириш асосида тиббиёт соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш учун етарли ҳуқуқий кафолатларни яратувчи қонунчиликни такомиллаштириш бўйича фикр, тақдир ва мулоҳазалар билдирилди.

Эшитув якунида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.



Синовли дақиқалар

УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРИ

НОМИГА ЭРИШИШ ОСОН БЎЛМАДИ

Мамлакатимиздаги барча тиббиёт олийгоҳлари ҳузурда ташкил этилган умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув курсларида тахсил олаётган умумий амалиёт шифокорлари аудиториясининг кенгайиб бораётганлиги бирламчи бўғинда муҳим аҳамият касб этиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида ташкил этилган 10 ойлик ўқув курслари бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Айни кунда 2013-2014 ўқув йилида навбатдаги курсни тугатган тингловчи-шифокорлар барча синовларни муваффақиятли топшириб, ўзлари фаолият юритаётган кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида олган билим ва малакаларини амалда қўллашни бошлаб юбордилар, десак муболаға бўлмайди...

Улар 10 ой давомида нафақат олиб борган лойиҳа ишларини ҳимоя қилишди, балки шу билан бирга тест, оғзаки ҳамда амалий кўникма асосида имти-

ганимизда, барча тингловчилар ўз лойиҳаларини ҳимоя қилиш арафасида турган экан...

– 2013 йил сентябрь ойида фаолиятини бошлаган ўқув курсимизда Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган 60 нафар шифокор билим олди, – дейди ўқув курс гуруҳ раҳбари, катта ўқитувчи Ноила Худойбергана. – Мавзулар барча ўқув курслари учун бир хил дастур ва йўналиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, 10 ой мобайнида барча мавзуларни 11 та босқич асосида олиб бордик. Масалан, биринчи ёрдам кўрсатиш, бирламчи бўғинда соғлиқни сақлаш, лабораторияда ишлаш, соғлиқни сақлашда менежмент, умуман, тиббиётнинг барча бўғинлари



ҳон топширдилар.

Дарҳақиқат, 2014 йилнинг 23 июнидан 28 июнигача бўлиб ўтган синовли дақиқалар ҳар бир тингловчи учун унутилмас лаҳзаларга ва ҳаяжонли дамларга айланганига гувоҳ бўлдик.

Олмазор тумани 20-сон оилавий поликлиника базасида фаолият олиб бораётган Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 2-сонли умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув курсига кириб бор-

бўйича мавзуларни бутун тафсилотлари билан таништириб, назарий ва амалий кўникмаларини бойитдик. Албатта, тингловчиларимиз катта тажриба ва амалиётга эга. Эндиликда улар бирламчи бўғинда тиббиётнинг барча йўналишлари бўйича ёрдам кўрсата оладилар.

Таъкидлашим керакки, курсимизнинг ҳар бир тингловчиси 15 кун мобайнида назарий билимлар олишди, сўнгра бу ерда олган билимларини 15 кун мобайнида ўзлари ишлаётган муасса-

саларда амалиётда қўллашди. Шунингдек, дарслар давомида 20-оилавий поликлиникадаги беморларни ҳам ўтилган мавзулар асосида кўриқдан ўтказишди, ташхис қўйишди ва даволаш амалиётини амалга оширишди. Тингловчилар ўқув курси давомида долзарб касалликлар бўйича лойиҳа иши олиб бордилар. Яъни ўз ҳудудида аҳоли ўртасида долзарб бўлган касалликларни аниқлаш, олдини олиш, даволаш бўйича текшириш ўтказишди. Бундан ташқари, ҳар бир тингловчи клиник назорат кундалигини юритди. Мақсад – беморни тўғри тинглай олиш, аниқ ташхис қўйиш ва муолажа жараёнига эътибор қаратиш билан бирга, мутахассисни ўз устида мукамал ишлашидан иборатдир. Бу жараёнда ўқитувчиларимиздан Нигора Мўминова, Дилором Абзалова, Раъно Муҳиддинова, Моҳира Рашидова ва Гулмира Алимовалар дарсларни мукамал даражада олиб бордилар. Ўйлайманки, курсимизни тугатган шифокорлар ўз иш жойларида етук мутахассисга айланади. Чунки бу ерда олинган билимлар шундай деб айтишимизга асос бўлади.

Айсулу КУРМАНТАЕВА, Наманган вилояти Чуст шаҳри 1-сон кўп тармоқли марказий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Бу ерда ўтказган 10 ой вақтим беҳуда кетмади. Олган билимларим билан бемалол умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлай оламан. Чунки бизга дарс ўтган устозларимиз жуда тажрибали ва билимли. Ҳар бир мавзуни маромига етказиб тушунтиришди. Энг муҳими, назария ва амалиётни биргаликда олиб бордик, муляжлар билан ишладик. Умуман, барчасидан мамнунман. Бугунги лойиҳамга келади билан қамраб олиш сифатини оширишга қаратилган. Лойиҳани бажариш жараёнида 2 ойдан 2 ёшгача боласи бор ота-оналар билан профилактик эмлаш аҳамияти тўғрисида суҳбат ўтказ-

дик, тушунтириш ишларини олиб бордик. Унинг натижасида 2014 йил апрель ойи ярим йилига келиб, ҳар бир кўрсаткич бўйича ижобий натижаларга эришдик.

Мухайё ХЎЖАКУЛОВА, Тошкент вилояти Олмалик шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Мен поликлиника шароитида 2-3 ёшгача бўлган болалар орасида рахит касаллигининг асоратларини эрта аниқлаш ва даволаш сифатини ошириш бўйича ўз лойиҳамни ҳимоя қилдим. Ушбу мавзунини ўзим ишлаётган поликлиника ҳудуди мисолида ўргандим. Дастлаб ота-оналар билан бу касаллик тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бордик, сўрономалар ўтказдик. Айрим ота-оналар касалликнинг профилактикаси ва давоси бўйича нима қилиш кераклигини чуқур билишмайди. Шундан кейин асосий эътиборни барча тиббий ходимлар билан 2-3 ёшгача бўлган болалар орасида рахит касаллигини эрта аниқлаш ва даволаш сифатини ошириш юзасидан қилинадиган

(Давоми 4-бетда).



ишларни стандартлар асосида олиб боришга қаратдик. Натижада УАШ ва патронаж ҳамшираларнинг 2-3 ёшгача бўлган болаларни чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказиш ишлари назоратга олинди ва ушбу ҳолат

педиатрман. 30 йиллик иш стажига эгаман. Ўқув курси давомида тиббиётнинг ҳар бир йўналиши бўйича ўтилган мавзулар менда катта таассурот қолдирди ва янги-янги билимлар олдим. Чунки ўқитувчиларимиз мавзу-



болалар амбулатор карталарида акс эттирилиши бўйича кўрсаткичларимиз юқорилади. Айтишим мумкинки, бу ишларни бажаришда менга 10 ойлик курсда олган билимларим фойда берди. Энди бемалол умумий амалиёт шифокори фаолияти билан шуғуллана оламан.

Манзура МАХМУДОВА,
Фаргона вилояти Қўқон
шаҳар 4-оилавий
поликлиника умумий
амалиёт шифокори:

– Мутахассислигим бўйича

ларни қизиқарли машғулотлар, интерфаол ўйинлар ва жиҳозлар орқали тушунтириб боришди. Айниқса, ҳомиладорликка жаҳон стандартлари асосида ёндашиш, ташхис қўя олиш, тан жароҳатида биринчи ёрдамни кўрсата олиш каби ўнлаб йўналишларда ишлашни ўргандик. Энг муҳими, устозларимиз бемор билан муомала қилиш ва муносабатга киришиш маданиятини ўргатишдики, бу бизлар учун айна муддаодир. Буларнинг барчаси келгуси фаолиятимизда дастуриламал бўлади, албатта.



– Умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курсига аввалроқ келсак бўларкан. Бу ерда жуда кўп мавзулар бўйича таҳсил олдик. Ҳар бирини санашга вақтимиз етмайди. Аммо барчаси ҳам жуда муҳим. Масалан, биргина ЭКГ матнини олайлик. Авваллари келган беморни кардиологга жўнатардик. Энди эса ўзимиз бемалол эплай оламиз, яъни ЭКГ расшифровкаси ўқишни ўргандик. Худудимизда 3000 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг соғлигини назорат қилиш, профилактик тадбирлар ўтказиш, беморларни даволаш энди биз учун қийин эмас. Эндиликда оиладаги нафақат бемор соғлиги, балки оила аъзоларининг

УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРИ

НОМИГА ЭРИШИШ ОСОН БЎЛМАДИ

Феруза ЖОВЛИЕВА,
Нукулжон МАТЌУБОВА,
Тошкент шаҳар Чилонзор
туман 34-оилавий
поликлиника умумий
амалиёт шифокорлари:

– Умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курсига аввалроқ келсак бўларкан. Бу ерда жуда кўп мавзулар бўйича таҳсил олдик. Ҳар бирини санашга вақтимиз етмайди. Аммо барчаси ҳам жуда муҳим. Масалан, биргина ЭКГ матнини олайлик. Авваллари келган беморни кардиологга жўнатардик. Энди эса ўзимиз бемалол эплай оламиз, яъни ЭКГ расшифровкаси ўқишни ўргандик. Худудимизда 3000 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг соғлигини назорат қилиш, профилактик тадбирлар ўтказиш, беморларни даволаш энди биз учун қийин эмас. Эндиликда оиладаги нафақат бемор соғлиги, балки оила аъзоларининг

барчаси учун масъулмиз.

Навбатдаги босқичда мазкур ўқув курси тингловчилари амалий кўникма асосида синов имтиҳонларидан ўтишди. Тингловчиларга навбатма-навбат бешта станцияда биттадан са-

ларни аниқлаш тартиби, 2-станцияда офтальмоскопни ишлатиш орқали кўздаги касалликларни аниқлаш, 3-станцияда миокард инфаркти билан оғриган беморни парваришlash, 4-станцияда 18



вол берилди. Жавоб учун эса 10 дақиқа белгиланди. Бундан асосий мақсад – тингловчилар муляжлар ва тиббий жиҳозлар иштирокида билимларини амалда қўллашди.

Муяссар ОҚНИЁЗОВА,
Сурхондарё вилояти
Денов шаҳар 1-сон
катталар поликлиникаси
умумий амалиёт
шифокори:

– Амалий кўникма синовлари жуда салмоқли. Ҳар бир станцияда биттадан саволга муляжлар ва тиббий жиҳозларни қўллаган ҳолда жавоб бердим. Хусусан, 1-станцияда аёлларнинг кўкрак безидаги ўзгариш-

ойлик қизалоқ иссиғи чиққан ва уни даволаш қоидалари ва 5-станцияда 22 ёшли аёлда камқонлик белгиларини аниқлаб, тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича барча билимларимни ишга солган ҳолда қониқарли жавоб бердим. Албатта, ушбу мавзулар бизга бегона эмас, ҳаммаси машғулотларда ўтилган. Демак, келгусида умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлашим учун барча асослар етарли.

Амалий кўникма синовлари худди шу тартибда олиб борилди. Тингловчи-шифокорлар навбати билан станцияларда саволларга жавоб берилди.

ТЕСТ – БИЛИМЛАР САРҲИСОБИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, тингловчилар навбатдаги босқичда тест синовларидан ўтишди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти аттестация марказида барча шароитлар яратилди. Кенг ва ёруғ хонада компьютерлар. Ҳар бир тингловчига 1 соат вақт берилди. Жами 100 та савол. Биз бу гал Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 1-сонли умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курси тингловчилари тест топшираётганига гувоҳ бўлдик.

Курс раҳбари Назира Нармухаммедованинг таъкидлашича, улар икки гуруҳга бўлинган ҳолда синовлардан ўтишмоқда. Жами 114 та тингловчи Сурхондарё, Наманган, Жиззах, Фаргона ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келишган.

Тестдан биринчи бўлиб чиқиб келган аёлнинг юз-кўзларида хурсандчилик. Сухбатга тортдик.

– Ўқиган кишига албатта осон, – **деб ўзини таништирди Тошкент шаҳар Олмазор туман 17-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори Нигора Мусахонова.** – Ҳозирда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида энг чекка худудларда ҳам замонавий

стандартлар асосида жиҳозланган тиббиёт муассасалари қад ростлапти. Уларга эса тиббиётнинг барча йўналишларини пухта эгаллаган мутахассислар зарур.



(Давоми. Боши 3-бетда).



ярим соат олдин барча саволларни ечиб бўлдим.

– 10 ой мобайнида ўқиб ўрганган билимларимизнинг натижаси шу тестда сарҳисоб қилинди, десам адашмайман, – **дейди Сирдарё вилояти Бахт шаҳар поликлиникаси умумий амалиёт шифокори Зулфия Мухторова.** – Саволларнинг барчаси танишлиги учун қийналмадим ва 405 балл тўплادим. Энди уларни амалиётда ҳам

қўллай оламан. “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида ташкил этилган 10 ойлик ўқув курслари кейинги фаолиятимда катта ўзгаришлар ясашига ишонаман. Сабаби бу ерда олган билимларим кўп тармоқли шифокор бўлишимга ёрдам берди.

Кейинги куни тингловчилар амалий кўникма бўйича ҳамда оғзаки

(Давоми 5-бетда).

ТЕСТ - БИЛИМЛАР САРҲИСОБИ



саволларга жавоб беришди. Тингловчилар ўз навбати кутиб, охири имтиҳонга тай-

ёрланар эди. Уларни кузатар эканмиз, айримлари ҳаяжонда эди.

Рисолат ЯХЎЕВА, Тошкент шаҳар Олмазор туман 20-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Ўқув курсига аввалроқ келсам бўларкан. 10 ой қандай ўтиб кетгани очиги сезилмади. Чунки ўқитувчиларнинг дарс ўтиш услуби жуда ўзгача. Ҳар бир мавзу кўргазмалари воситалар, тиббий жиҳозлар, муляжлар билан олиб борилди. Шу боис сўнги синов имтиҳонлари осон кечди. Масалан, амалий кўникма бўйича қалқонсимон безни пайпаслаб касалликни аниқлаш, беморни ЭКГ кўригидан ўтказиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, кўз тубини текшириш каби саволларга жавоб бердим. Эътиборлиси, ўқитувчиларимиз касаллар билан мулоқот қилиш маданиятини чуқурроқ ўргатишди. Ахир бемор билан сўзлашмай туриб, унинг руҳий кечинмала-

рини аниқламай туриб, қандай ташхис қўйиш ёки даволаш мумкин.

Ўрол ЮСУПОВ, Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани "Тўхтамыш" ҚВП умумий амалиёт шифокори:

– Умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлаш ўқув курсининг ташкил этилгани айниқса, биз фаолият юритаётган ҚВПлар учун муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ аҳли энди мутахассис излаб туман ёки шаҳар марказига бормади. Балки шундоқгина ўз уйига яқин ҚВПда зарур тиббий ёрдамларни ола билади. Албатта, бу 10 ой жуда қисқа муддат. Аммо шундай бўлса-да, тиббиётнинг барча соҳасини ўқиб-ўргандик. Масалан, биргина мавзу – одамлар овқатланиш рационига эътибор беришмайди. Яъни витамин ва минералларга

бой озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишмайди. Натижада организмда етишмовчилик юзага келиб, камқонлик касали пайдо бўлиши мумкин. Бу айниқса, ҳомиладор аёлларда кўп кузатилади. Шунинг учун нафақат ушбу касалликнинг, балки барча хасталикларнинг профилактикаси ва давоси бўйича олган билимларимизни аҳолига кенг миқёсда тарғиб этишга ва амалда қўллашга бизда тўла имконият ва ишонч бор.

Тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаб катта эътибор қаратаётган, шу билан бирга касбий малакаларимизни ошириб келаётган давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси ходимларига ўз миннатдорлигимизни билдириб қоламиз.

ТИББИЁТ ТАЛАБИДА МУТАХАССИС САЛОҲИЯТИ муҳим омил бўлиб хизмат қилади

Навбатдаги кузатувларимиз Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлаш ўқув курси тингловчиларининг оғзаки саволлар бўйича имтиҳон топшираётган жараёнга тўғри келди. Жорий йилда мазкур ўқув курсини 68 нафар тингловчи-шифокорлар тугатди. Улар асосан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридан келишган. Аввалдан айтиш мумкинки, тингловчилар барча синовлардан муваффақиятли ўтишди. Биз гувоҳи бўлган кун оғзаки саволларга жавоблар қабул қилинаётган эди.

Малика НИЁЗОВА, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги шифокорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курси, умумий амалиёт шифокорлари бўйича тренер:

– Ўқув курсимизда назарий ва амалий жиҳатдан ўз билимларини оширган оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларининг шифокорлари умумий амалиёт шифокори деган мақомга эга бўлдилар, десам хато бўлмайди. Маълумки, барча машғулотларимизда жаҳон стандартлари асосида тиббиётнинг деярли ҳамма йўналишлари қамраб олинди. Аҳамиятлиси шундаки, тингловчилар дарсларда фаол иштирок этиб, назарий билимларини уйғунлаштириш мақсадида икки ҳафта ўқув марказида таҳсил олган бўлсалар, амалиётни икки ҳафта ўзлари фаолият олиб бораётган тиббиёт муассасаларида олиб бордилар. Шунингдек, улар амалиёт давомида аҳоли орасида учрайдиган долзарб касалликларнинг олдини олиш, тўғри ташхис қўйиш ҳамда даво муолажаларини тўғри йўналтириш мақсадида лойиҳа ишлари олишди. Биринчи навбатда тингловчилар ушбу лойиҳа ишларини ҳимоя қилишди. Шу билан бирга тест, оғзаки ҳамда амалий кўникмалар бўйича ҳам синовлардан муваффақиятли ўтишди. Ўқув курсида 68 нафар умумий амалиёт шифокори мақomini олган соҳа мутахассислари 10 ой давомида олган билим ва кўникмаларини аҳоли саломатлигини муҳофаза



қилишга сарф этадилар деб умид қиламан.

Маъмура ХИДИРОВА, Тошкент шаҳар Олмазор тумани 15-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Йилдан-йилга тараққий этаётган тиббиёт соҳасидаги тезкор фаолиятлар бугунги шифокордан катта масъулият ва фаолиятга жиддий ёндошувни талаб этмоқда. Албатта, бунинг замирида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги ётади. Айниқса, кейинги йилларда бирламчи тизимга қаратилаётган эътибордан асосий мақсад биринчи навбатда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш, тўғри ташхис қўйиш орқали хасталикни ўз вақтида даволашдир. Шундай экан, мазкур йўналиш айти пайтда умумий амалиёт шифокорига эътиб сезмоқда. Аввало, давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ҳамда "Саломатлик-1, 2, 3" лойиҳалари доирасида бардавом бўлиб келаётган 10 ойлик ўқув курсининг ташкил этилгани айни муддао бўлди. "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасидаги ўқув курсида иштирок этиб, УАШнинг асосий вазифаси, тактикаси ҳамда даволаш усуллари тўғрисида чуқур маълумотларга эга бўлдим. Лойиҳамни муваффақиятли ҳимоя



бўлдим. Албатта, бу жараён курс давомида икки ҳафта ишхонамиздаги фаолиятда ҳам ўз ифодасини топди. Айниқса, малакали ўқитувчиларимиз томонидан дунё стандартлари асосида олиб борилган дарслар, жумладан далилларга асосланган тиббиёт бўйича олган билимларимиз ҳар бир тингловчи учун катта мактаб бўлди. Дарслар нафақат маъруза тарзида, балки интерфаол ўйинлар, дисклар орқали олиб борилди. Касалликлар намойиши, амалиётда муляжлардан фойдаланиш ва бунинг баробарида ўқув маркази жойлашган оилавий поликлиникада беморларни қабул қилиш жараёнида янада чуқур маълумотларга эга бўлдим. Тест синовлари бўйича қўйилган саволларнинг барчасига тўғри жавоб бердим. Оғзаки имтиҳондан ҳам яхши ўтиб, йил давомида олган назарий ва амалий билимларимни мустаҳкамладим. Эндиликда умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўлганимдан хурсандман.

Муҳаббат ШОКИРОВА, Юнусобод тумани 56-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Оғзаки саволлар фақат икита. Масалан, менга ўткир сийдик қопининг яллиғланиши ва камқонлик касаллиги бўйича савол берилди. Уларга ўқиб-ўрганганларимиз асосида жавоб бер-

дим. Дастлаб касаллик пайдо бўлиши ва профилактикаси, клиник жараёнлари ҳамда даволаш усуллари ҳақида фикр юритдим. Умуман олганда, ҳеч қийналмадим. Ахир 10 ой беморига ўқидикми. Энди бизнинг олдимизда олган билимларимизни амалиётда кўпроқ қўллаш вазифаси турибди. Албатта, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда касалликларнинг олдини олиш учун тарғиб ишларини кучайтиришимиз муҳим.

Нигора АБДУХОЛИҚОВА, Чирчиқ шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника умумий амалиёт шифокори:

– Билим ҳеч қачон кўплик қилмас экан. Кунт билан ўрганганларим ҳозир фойда берди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтдим. Бугунги оғзаки синовларда менга икита савол берилди. Дастлаб янги туғилган чақалоқларни назоратга олиш борасида жавоб бердим. Яъни чақалоқни туғруқхонадан чиққандан кейин 3 кундан сўнг бориб кўриш керак. Бир ой ичида эса 4 марта. Бунда биринчи навбатда чақалоқ она сути билан озикланишига эътибор қаратиш зарур. Кейинги савол эса аёллар ва болаларда учраётган

(Давоми 6-бетда).



